

**Худудларда мева-сабзавот, полизчилик ва
узумчиликни ривожлантириш, янги боғ ва
токзорларни ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларини қайта ишлаш, соҳага замонавий
илғор технологияларни жорий этиш бўйича
2014 йилги дастурлари бажарилишини ҳамда
аҳолининг шахсий томорқаларидан самарали
фойдаланишни таъминлаш бўйича маҳаллий
ҳокимликларнинг вазифалари**

Маърузачи:

**Тошкент давлат аграр университети ректори,
профессор Б.А.Сулаймонов**



**МЕВАЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ, СОҲАГА
ЗАМОНАВИЙ ИЛҒОР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
ҲАМДА АҲОЛИНИНГ ШАХСИЙ
ТОМОРҚАЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ**



Республикамиз боғбон ва соҳибкорлари олдида мева ва узум маҳсулотларини кўпайтириш ва уни сифатини яхшилаш бўйича катта вазифалар қўйилган. Шу сабабли ушбу тармоқларда ислоҳотларни жадал суръатлар билан ривожлантириш, бозор иқтисодиёти талаблари даражасида истиқболларини белгилаш, бу соҳани ривожлантиришга илмий жиҳатдан ёндошишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан 2013 йилдан боғ ва узумчиликни ривожлантиришда кескин бурилиш ясалди.



Яъни, интенсив боғларни ривожлантиришда жорий йилда ўзимиизда яратилган паст ва ўрта ўсувчи пайвандтагга уланган олма кўчатларидан ташқари, чет эллардан пакана ва яrim пакана пайвандтагларга уланган уруғли ва данакли мевалиларнинг кўчатлари олиб келинмоқда.

Республикада 2013 йилда 2260,9 минг тонна мева, 1322,1 минг тонна узум етиширилди.

Тиббий меъёрларга кўра бир йилда киши бошига Ўзбекистонда камида 65,3 кг мева ва 13,9 кг узумни истеъмол қилиш тавсия этилган. Республикада 2013 йилда аҳоли жон бошига 76,9 кг мева ва 43,2 кг узум маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.



ИНТЕНСИВ БОҒЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ БОҒЛАРДАН АФЗАЛЛИГИ

- ҳосилдорлик 2-2,5 баробар ортади;
- дараҳт кичик бўлганлиги сабабли улар билан ишлаш осонлашади (буташ, суғориш, дорилаш, ҳосилини йиғиб олиш ва ҳоказо);
- томчилатиб суғориш имконияти юқори ва бунда 30-40% сув тежалади;
- мева сифати (таъми, ранги, бир текислиги ва ҳоказо) ортади;
- стандарт мевалар миқдори 90-95% га етади, шундан биринчи нав 80% ни ташкил этади.



Республикада оддий боғларни интенсив боғларга нисбатан солиштирма маълумотлари

№	Экиш схемаси, м	1 га майдондаги дараҳтлар сони	Дараҳтларни ҳосилга кириш муддатлари	1 дараҳтдан олинадиган ўртача ҳосил (кг)	1 га майдондан олинадиган ўртача ҳосил (тн.)
Маҳаллий боғлар (оддий боғлар)	6x4	416	5-6 йил	35-40	16,6
	6x5	333	5-6 йил	35-40	13,3
Интенсив боғлар	3,5x2	1429	2-3 йил	20-25	35,7
	3,5x2,5	1143	2-3 йил	20-25	28,5



Күчат экиш учун майдонни тайёрлаш

Кузда күчат экиш учун танлаб олинган майдон плантаж плуги билан **50-60** см чуқурликда шудгорлаш лозим. Агарда майдон шудгорланмаган бўлса, баҳорда **35-40** см чуқурликда ер хайдалиб, текисланиб, күчат экиш учун режалаштирилади. Күчат турларига караб, пакана пайвандтагга уланган олма кўчатлари **3,5x2,5** м, ўрта ўсуви **3,5x3** м, нок кўчатлари учун **3,5x2** м, ўрта ўсуви **3,5x2,5** см. ММ-106 пайвандтагга уланган ўрта ўсуви кўчатларда олма **6x4** м., **6x5** м, нок учун **5x3** м., **5x4** м ҳамда узумни **3x3** ёки **3x2** м схемалари тавсия этилади.



Кўчат экиш

Кўчат экиладиган чуқурларни чуқурлиги ва кенглиги **60x60** см бўлиб, чуқур қазиша тупроқ усти **20-25** см қисми чуқурнинг бир томонига олиб, чуқурнинг қолган қисми иккинчи томонга олиб қўйилади.

Кўчатни экишдан олдин алоҳида тайёрланган шатмоққа (янги мол гўнги тупроқ билан **1 : 1** қилиб қаймоқсимон қилиб тайёрланади), ботириб олиб экилади.

Темир бетон устунлар ўрнатиш ва сим тортиш

Экилган кўчатларни биринчи йилни ўзида симбағазларга боғлаб, парвариш қилиш учун темир бетон устунлар ўрнатилади.

Экилган кўчатларни схемасига қараб, бир гектар майдонга қатор ораси 3 м. бўлса **429** дона, 3,5 м. – **370** дона, 4 м. бўлганда – **325** дона темир бетон устун сарф бўлади.

Рухланган **2,5** мм. қалинликдаги симдан **450-600** кг. сарфланади.




Интенсив боғларни парвариш қилиш

Ёш пакана пайвандтагли боғлар орасига биринчи иили сабзавот, полиз, картошка экинлари экиш мумкин. Иккинчи йилдан ушбу экинлар экиш тавсия этилмайди. Чунки боғ қатор орасига ишлов берилиши сабабли экинлар экилмайди.

Биринчи иили ёш кўчатлар қишига яхши тайёрланиши боис сентябрь ойининг иккинчи ярмидан суғориш тавсия этилмайди.

Кузда иложи борича кўчат танаси оқлананиши шарт, чунки кўчатнинг танаси қуриши мумкин.

Октябрь-ноябрь ойларида ёш ниҳоллар ораси ҳамда кўчатларнинг қатор ораси чопилиб, юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади. Тупроқда намлик яхши сақланади.



Ўғитлаш

Ёш экилган кўчатлар яхши ривожланиб, ўсиши учун апрель ойининг иккинчи ярмида ҳар бир кўчат атрофига 100-120 гдан азотли ўғит солинади. Иккинчи марта июнь ойида шунча миқдорда яна азотли ўғит солинади.

Томчилатиб суғориш системаси мавжуд бўлган боғларда барча минерал озуқаларни сув орқали топчилатиб бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўғитни ўзлаштириш самарадорлиги анча юқори бўлади.

Ёш пакана пайвандтагли боғлар орасига биринчи йили сабзавот, полиз, картошка экинлари экиш мумкин. Иккинчи йилдан ушбу экинлар экиш тавсия этилмайди. Чунки боғ қатор орасига ишлов берилиши сабабли экинлар экилмайди.

Биринчи йили ёш кўчатлар қишига яхши тайёрланиши боис сентябрь ойининг иккинчи ярмидан суғориш тавсия этилмайди.

Октябрь-ноябрь ойларида ёш ниҳоллар ораси ҳамда кўчатларнинг қатор ораси чопилиб, юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади. Тупроқда намлик яхши сақланади.

Кузда ноябрь ойида фосфорли ҳамда калий ўғит, яъни гектарига 90 кг., фосфор 45 кг. калий ва 20 тн. органик ўғит солиниб чопилади.

Янги экилган интенсив боғлар иккинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради, 4-5 йили тўлиқ ҳосил бера бошлайди.



ЗАМОНАВИЙ ИНТЕНСИВ МЕВА БОГЛАРИ



МЕВАЛИ БОҒЛАРДА ВА ТОКЗОРЛАРДА ЗАРАРКУНАНДА ХАМДА КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИ



Мевали боғлар ва токзорлар зааркунанда ҳамда касалликлари

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити мевали дарахтлар ва ток ўстириш учун энг қулай ҳисобланади. Республикада мева дарахтлардан олма, нок, бехи, олча, гилос, ўрик, шафтоли кабилар кўплаб экиласди. Бироқ боғ ва токзорларни зааркунанда ва касалликлардан самарали ҳимоя қилмай туриб, улардан сифатли ва юқори ҳосил олиб бўлмайди. Факат олма қуртига қарши кураш олиб борилмаса ҳосилнинг 50 ва ҳатто 70% ини йўқотиш мумкин. Ўзбекистоннинг мевали боғларида 200 дан зиёд зааркунанда ва 50 дан ортиқ касаллик қўзғатувчи замбуруғлар учраши қайд килинган.



Боғ ва токзорларда учрайдиган зааркунандаларнинг айрим турлари - олма, олхўри ва узум меваҳўр қуртлари, бинафшаранг, сохта қалқондорлар, мева ўргимчакканалари, нок ширинаси, нок шира бити, акация соҳта қалқондори, шарқ мева қурти, ғилофли куя йил ва мавсум давомида бир неча марта авлод бериб катта зарар етказади.

Мевали дараҳтларнинг касалликларидан тешикчали доғланиш (клястероспориоз), монилиоз (куйдирги касаллиги), ун шудринг, парша (қўтир касаллиги), шафтолининг барг бужмайиши, олхўрининг чўнтақча касалликлари ҳосилнинг сифат ва микдорига катта зиён етказмоқда.

Токнинг айрим касалликлари, айниқса уншудринг (оидиум, кул касаллиги), антракноз касаллиги, сохта уншудринг (мильдью) касалликлари токзорларга жиддий зарар етказмоқда.

Карантин ҳисобланган айрим зааркунандалар - калифорния қалқондори, қонли бит, тут парвонаси, цитрус оққаноти, паразит ўсимликлар - девпечак ва зарпечак йил сайин жуда кўп тарқалиб боғбон ва сохибкорларимизга жуда катта ташвиш туғдирмоқда.



Мевали боғ зааркунандалари



барг битлари



қон бити



шафтоли бити



қалқондорлар



мева канаси



филофли куя



олма қурти



шарқ мева қурти



Мевали дараҳтларнинг касалликлари




ун шудринг



клястероспориоз




монилиоз



парша (қўтириш)




شاфтолининг барг
бужмайиши




олхўрининг кармашка
(чўнтакча) касаллиги



Токнинг касалликлари



Соҳта уншудринг



Антракноз



Уншудринг (Мильдю)




Сабзавот ва полиз экинларининг зааркунанда касалликлари

Сабзавот ва полиз экинларида зааркунандаларидан ўсимлик битлари, оққанот, ғовакловчи пашша, занг канаси, тунламлар, колорадо қўнғизи, карам бити, карам оқ капалаги қуртлари, пиёз пашласи, сабзи пашласи, сабзавот экинлари касалликларидан помидорнинг фузариоз сўлиш касаллиги, помидорнинг вертициллиоз сўлиш касаллиги, помидорнинг фитофториоз ва қўнғир доғланиш, кулранг чириш касалликлари, помидорнинг вирус касалликлари (тамаки мозайкаси, жуфт стриги) ва бошқа касаллик ва зааркунандалар очиқда ва иссиқхоналарда катта зарар етказмоқда.

Охирги йилларида республикамизда учрамайдиган заарли ҳашарот ва каналар ҳар хил йўллар билан кириб келмоқда. Бунга мисол қилиб, сабзавот, полиз ва картошка зааркунандаларидан колорада қўнғизи, иссиқхона оққаноти, ғўза оққаноти, ғовакловчи пашшалар, занг канаси, қовун пашласини, кўрсатиб ўтиш жойиз ундан ташқари қўшни республикалардан америка капалагини ва картошка куясини кириб келиш катта хавфи мавжуд.



Сабзавот, полиз ва картошка зааркунандалари



карам бити

ўргимчакканы

оққанот




занг кана



ғовакловчи пашша



колорадо қүнғизи





Қовун пашшаси 2000- йилдан бошлаб Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятларида учраши аниқланди. Бугунги кунда бу зааркунанда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида учраб қовун ва тарвузга сезиларли зарар етказмокда.

Тупрекнинг 10-20 см қатламида ғумбак фазасида қишлиайди. Пашшалар эртаги қовунлар гуллагандан сўнг уча бошлайдилар.

Республикамиз шароитида 2-3 та авлод бериб ривожланади.



Сабзавот экинларининг касалликлари



Помидор фузариоз
сўлиш касаллиги

Картошка туганаги
ва ниҳолларининг
("қора сон") чириш
касаллиги

Помидорнинг
фитофтороз
касаллиги



Мевали боғлар, токзорлар ҳамда сабзавот экинларида зааркунанда ва касалликларга қарши тадбирлар:

Агротехник тадбирлар:

-эрта баҳорда зааркунанда ва касалликлар таъсирида қуриган шох шаббаларни кесиш, шакл бериш, шох шаббаларни айниқса тўкилган барглар ва мева, узум қолдиқларини даладан чиқариб йўқотиш, қатор ораларини шудгорлаш;

-мавсум давомида агротехник тадбирларни, суғориш ишларини белгиланган муддатда ва меъёрларда ўтказилишини таъминлаш, органик ва минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва меъёрларида озиқлантириш;

-кўмилган токларни ўз муддатида очиш ва кўтариш, хомток қилиш ва чилпиш;

-сабзавот, полиз экинларида белгиланган агротехник тадбирлар комплексини ўз муддат ва меъёрларида амалга ошириш.



Биологик ҳимоя тадбирлари:

Ҳозирги пайтда мевали боғларда олма қуртининг тухумига қарши тухумхўр паразит трихограмма, барг шираларига қарши олтинкўз, қон битига қарши афелиниус, комсток қуртига қарши псевдофикаус паразитлари ҳамда барг кемирувчи қуртларига қарши микробиологик препаратлар қўлланилмоқда. Табиий кушандаларнинг фаолиятини кучайтириш учун боғларнинг ичига нектарга бой ўсимликлар экилади.

Сабзовот ва полиз экинларининг зааркундаларига қарши биологик усулда курашда уларнинг табиий кушандаларидан энкарзия (оққанотга қарши), олтинкўз (ширалар, каналар, ва трипсга қарши), тухумхўр трихограмма (ер остки ва ер устки тунламлар тухумига қарши), бракон паразити (помидор, карамда тунлам қуртларига қарши) самарали фойдаланилмоқда.

Биологик усулни иссиқхона ва очиқ майдонлардаги сабзавот экинларида қўллаш экологик тоза маҳсулот етказиб беришга имкон беради.



Кимёвий тадбирлар:

- мевали боғларда калмараз, клястероспориоз, доғланиш ва бошқа касалликларга қарши эрта баҳорда куртакланиш олдиdan 3-4 % ли бордо суюқлиги ёки 1% ли мис купороси эритмаси, зааркунанда-ларга қарши минерал-парафинли препаратлар билан ишлов бериш;
- ток оидиум, антракноз касалликларини олдини олиш мақсадида 0,5-1⁰ ли ООҚ (ИСО) қайнатмаси сепиш ва олтингугурт кукунини чанглатиш, мильдю, антракноз касалликларини олтини олиш учун бордо суюқлиги ёки таркибида мис тутивчи фунгицидлар билан ишлов ўтказиш;
- зааркунандалар, касалликлар кучли тарқалган майдонларда рухсат этилган кимёвий препаратлардан бирини қўллаш;
- мильдю касалига қарши ток кўмилмайдиган жойларда кузда, ток кўмиладиган жойларда токлар очилгандан сўнг 3% ли бордо суюқлиги билан ишлов бериш;
- куртаклар уйғонгандан сўнг гуллашга қадар 5-7 барг бўлганда ва гуллагандан кейин 1% ли бордо суюқлиги ёки таркибида мис тутивчи фунгицидлар билан ишлов ўтказиш.



**Мевали боғларда, токзорларда, сабзавот ва картошка экинларида
зааркунанда ва касалликлари гақүлланиладиган кимёвий воситалар**

Т.р	Препарат номи	Сарф мөйёри кг\га ёки л\га	Препарат пуркаладиган экин тури	Зааркунанда ёки касаллик номи	Қўлланиш вақти, усули
1	Каратэ 5 % Э.к.	0,4-0,8	олма	Меваҳўрлар, баргўровчи қуртлар, каналар	Ўсимликларни ўсув даврида
2	КИНМИКС 5% ЭМ.К. (Б)	0,4	Ток	Шингил баргўраи	Ўсимликнинг ўсув даврида
		0,3	Олма, олхўри	Ширалар, меваҳўрлар, баргўрар қуртлар	Ўсимликнинг ўсув даврида
3	ТАЛСТАР 10% ЭМ.К. (Б)	0,4-0,6	Олма	Олма меваҳўри, баргўрар қуртлар, каналар	Ўсимликнинг ўсув даврида
		0,6	Помидор	Оққанот	Ўсимликнинг ўсув даврида
		0,4	Помидор	Занг кана	Ўсимликнинг ўсув даврида

4	КАРБОФОС 50% ЭМ.К. (Б)	3,0	Олма	Ширалар, мевахўрлар, қалқондорлар, баргўрар қуртлар, каналар	Ўсимликнинг ўсув даврида
		1,2-2,0	Помидор	Ширалар, каналар, трипслар, оққанот	Ўсимликнинг ўсув даврида
5	МАТЧ 5% ЭМ.К.	1,0	Олма	Олма мевахўри	Ўсимликнинг ўсув даврида
		0,4	Картошка	Колорадо қўнғизи	Ўсимликнинг ўсув даврида
6	ОВИПРОН 2000 КЭ (800 г/л)	10,0-15,0	Олма, нок	Қалқондор-лар, сохта қалқондорлар, ширинчалар, унсимон қуртлар	Ўсимликларни гуллашигача ёки гуллашидан сўнг, ҳаво харорати 7°C дан 25°C гача бўлган шароитда
7	АДМИРАЛ, 10% ЭМ.К.	0,5	Помидор, бодринг	Оққанот	Ўсимликнинг ўсув даврида
		0,5	Олма	Бинафша- ранг қалқондор	Ўсимликнинг ўсув даврида



8	ВЕКТРА 10% сус.к. (100 г/л)	0,3	Ток	Оидиум, антракноз	Ўсимлик куртак ёйгунча, гуллаши- гача ва гуллаши-да
9	АКРОБАТ МЦ 690 г/кг, с.э.г.	2,0	Картошка	Фитофтороз, альтернариоз	Ўсимликнинг ўсув даврида
			Бодринг, пиёз	пероноспороз	Ўсимликнинг ўсув даврида
			Ток	милдью	Ўсимликнинг ўсув даврида
10	ОҲАҚ-ОЛТИН- ГУГУРТ ҚАЙНАТМАСИ,	Боме даражаси ўлчовида 0,5-1,0	Олма, нок	Калмараз, занг, монилиоз, қора рак,	Ўсимликнинг ўсув даврида
			Олча, олхўри	Барг доғланиши	Ўсимликнинг ўсув даврида



11	РИДОМИЛ ГОЛД МЦ 68% с.д.г.	2,5	Помидор	Фитофтороз	Ўсимликнинг ўсув даврида
		2,5	Ток	Оидиум, антракноз	Ўсимликнинг ўсув даврида
12	МИС КУПОРОСИ 98% э. кук.	15,0-20,0	Олма, нок	Калмараз, филlostиктоз, монилиоз, қовжираш	Дарахтларга куртак ёйишигача
		10,0-15,0	Үрик, шафтоли, олхўри, гилос, олча	Кластероспориоз, коккомикоз, доғланишлар, монилиоз, барг бурмаси	Дарахтларга куртак ёйишигача



**ХУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ, СОҲАГА
ЗАМОНАВИЙ ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**




- Мева-узум, сабзавот маҳсулотларини саклаш шароитларини янада яхшилаш, бу борада янги технологияларни жорий қилиш мақсадида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги “2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини саклашнинг моддий техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳақида”ги 105-сонли қарори қабул қилинган, мазкур қарорга мувофиқ республикада 120 минг тонна ҳажмдаги мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари саклайдиган замонавий музлатгич омборхоналар қуриш белгиланган.
- **Маълумот учун:** Дастур доирасида маҳаллий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ва агрофирмалар томонидан олиб келинадиган республикада ишлаб чиқарилмайдиган совутиш ва омбор асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва материаллар, ортиш ва тушириш техникаси **божхона тўловлари тўлашдан 2016 йил 1 январгача озод қилинган.**



- Даструр доирасида 2011-2012 йилларда 131 та янги музлаткичли камералар қурилиши ҳамда 57 та мавжуд сифимларнинг модернизация қилиниши натижасида республика ҳудудларида 125 минг тонналик сифимли омборхоналар яратилди. Шу билан бирга 2013-2015 йиллар мобайнида яна камида 110 минг тонналик совуткичли омборлар ишга туширилиши дикқатга сазавордир.
- Биргина 2013 йилнинг ўзида мамлакатимизда мева-сабзавот, узум маҳсулотларини саклаш мақсадидаги музлаткич-омборларининг қуриб ишга туширилганлари 23450 тоннани ташкил этди.
- Бугунги кунда фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг тез мослашувчан, замонавий кичик минитехнологиялардан фойдаланадиган, шу жумладан, хорижий инвесторлар иштироқидаги агросаноат фирмаларини ихтиёрийлик асосида шакллантириш, мавжуд қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш муҳимдир.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
105-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ**
(қурилган омборлар, минг тоннада)




■ 2011 йилда
■ 2013 йилда

■ 2012 йилда
■ 2014 йилда (режа)



**РЕСПУБЛИКАДАГИ МАВЖУД ҚАЙТА ИШЛАШ
КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ (минг тонна)**



■ 2010 йил

■ 2011 йил


■ 2012 йил

■ 2013 йил



РЕСПУБЛИКАДА МЕВА-УЗУМ, САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ҚАЙТА ИШЛANIШ КЎРСАТКИЧЛАРИ (2013 ЙИЛ)

МИНГ ТОННА



Жами етиштирилган ҳосил миқдори 13656,9 минг тонна, шундан
қайта ишлангани 1971,9 минг тонна





- Куёш энергияси билан ишловчи бундай мева-сабзавот қуригичи конструкциясининг соддалиги, республикамизнинг барча вилоятларига татбиқ этиш мумкинлиги, қуритилган маҳсулотнинг экологик тозалиги, сифатлилиги, ташқи об-ҳавонинг нокулай омилларидан (ёғингарчилик, чанг, ҳашаротлар ва б.) ишончли ҳимояланганлиги, энг муҳими, жаҳон андозаларига мос қуритилган маҳсулот олиниши ва бир кеча кундузда 350 кг гача маҳсулот қуритиш мумкинлиги билан ажралиб туради.
- Ушбу қурилма намунаси Тошкент давлат аграр университети кичик тажриба хўжалигига жойлаштирилган бўлиб, бугунги кунда ундан малака ошириш курси тингловчилари, хусусий сектор вакиллари ва талабалар мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш бўйича назарий билимларини амалда мустаҳкамламоқдалар.



ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ЁРДАМИДА МЕВА-САБЗАВОТЛАРНИ ҚУРИТУВЧИ ҚУРИЛМАНИНГ СХЕМАСИ ВА ТЕХНИК ПАРАМЕТРЛАРИ

Узунлиги 18 м, эни 2 м.

- а) Қуёш энергияси коллектори майдони 16 м^2 ;
- б) Қуритиш майдони 20 м^2 ;
- в) Қуёш батареяси;
- г) Вентиляторлар.



ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ЁРДАМИДА МЕВА-САЗЗАВОТЛАРНИ ҚУРИТУВЧИ ҚУРИЛМАНИНГ УМУМИЙ КҮРИНИШИ



ГОРИЗОНТАЛ ҚУЁШ ЁҚИЛҒИЛИ ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАСИ



Қурилманинг афзалликлари:

- Куритилган маҳсулотда биологик фаол моддалар максимал сақланади;
- Қуёш энергиясидан фойдаланиш воситасида электр энергияси тежалади;
- Қурилма енгил, компакт ва арzon бўлғанлиги сабабли уни исталган жойга жойлаш имконини беради;
- Энергия ва ресурстежамкорлиги боис таннархи арzon, сифатли маҳсулот олиниши таъминланади.

ВЕРТИКАЛ ҚУЁШ ЁҚИЛҒИЛИ ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАСИ



Күлланилиши:

- Үсимлик маҳсулотларини қуритиш (олма, узум, ўрик, доривор ўтлар ва х.к.)
- Үсимлик бўлмаган маҳсулотларни қуритиш (макарон, совун, оқсили, ёғоч, қурилиш материаллари ва х.к.)


Афзаллиги:

- Қуритилган маҳсулотда биологик фаол моддалар максимал сақланади;
- Қуёш энергиясидан фойдаланиш воситасида электр энергияси тежалади;
- Қурилма енгил, компакт ва арzon бўлганлиги сабабли уни исталган жойга жойлаш имконини беради;
- Энергия ва ресурстежкамкорлигидан таннархи арzon, юқори сифатли маҳсулот олишни таъминлайди.



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, соҳага замонавий илғор технологияларни жорий этиш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш учун қуидаги таклифлар тавсия қилинади:

- Дехқон хўжаликлари билан республикамиз худудларида мавжуд ҳамда ташкил қилинаётган янги музлаткичли камералар ва омборхоналарнинг қабул қилиш пунктлари, қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги шартномавий муносабатларни кучайтириш керак;
- Қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг қиймати юқорилиги, хўл маҳсулотларга нисбатан узоқ муддат сақланиши, транспорт орқали етказиш пайтида сифатининг бузилмаслиги ҳамда умумий мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмидаги улушининг камлигини инобатга олиб, республика худудларида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни янада ривожлантириш орқали унинг экспорт ҳажмини ошириш мумкин;
- Тайёр маҳсулотларни чет мамлакатларга керакли миқдорда экспорт қилиш учун ишлаб чиқарувчи тегишли ташкилотлар билан ўз вақтида ҳамкорлик асосида олдиндан сотиб олувчини аниқлаб, шартномаларни расмийлаштириши лозим;
- Чет элларни олма шарбати, олма консерваси, қизил вино, помидор пастаси, помидор шарбати ва бошқа маҳсулотларга бўлган талабига мувофиқ ишлаб – чиқаришни йўлга қўйиш лозим;
- Бу масалаларни хал этишда хокимият органлари ва фермер хўжаликларини раҳбар ҳамда мутахассислари ташаббускор бўлишлари мақсадгага мувофиқдир.



ЭБТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАҲМАТ!

